O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№90 (743) 2023 йил 24 октябрь, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) администратори Саманта Пауэр бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Делегация Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШнинг вазирлар даражасидаги тараққиёт масалалари бўйича учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турибди.

Конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда USAID билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, таълим, “яшил” энергетика, агробизнес ва бошқа йўналишларда бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилгани ва давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз.

Суҳбат чоғида жорий йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси сессияси доирасида бўлиб ўтган “С5+1” форматидаги давлат раҳбарлари саммитида эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

# ҲУДУДЛАРДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни ҳудудларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини яхшилаш, озиқ-овқат экинларини экиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳудудий ва ижтимоий дастурларда ичимлик суви таъминоти алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада хизмат сифатли ва доимий бўлиши учун нарх мутаносиблиги муҳим.

Таҳлилларга қараганда, бугунги кунда 1 куб метр ичимлик суви таннархи Тошкент шаҳрида 448 сўм бўлгани ҳолда Наманганда қарийб 3 минг сўмни, Самарқанд ва Навоийда 2 минг 600 сўмни ташкил қилади.

Сув ишлаб чиқариш таннархида электр энергияси улуши республика бўйича ўртача 27 фоиз. Лекин Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятида бу кўрсаткич юқори.

Маълумки, юртимизда муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида корхона, ташкилот ва аҳоли хонадонларида қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Лекин йилига 880 миллион киловатт-соат электр истеъмол қиладиган сув таъминоти корхоналарининг бу борадаги иши сезиларли эмас.

Давлатимиз раҳбари вилоят ҳокимларига ичимлик суви таннархини арзонлаштириш вазифасини қўяр экан, бунда энг катта манба сув корхоналари ишлатадиган электрнинг бир қисмини “яшил энергия”га ўтказиш эканини таъкидлади.

Масалан, ҳозирда сув корхоналари 1 киловатт-соат электрни 900 сўмдан сотиб олаяпти. Қуёш станцияларида ишлаб чиқарилган электр нархи эса ўртача 350-400 сўм, яъни 2 баробардан зиёд арзон. Инвесторларни жалб қилиб, сув иншоотлари атрофидаги бўш майдонларда қуёш панеллари ўрнатиш мумкин.

Шунингдек, эскирган ичимлик суви насосларини энергия тежамкорига алмаштириш зарурлиги айтилди.

Сув бўйича лойиҳалар қийматини қайта кўриб чиқиш, уларда ишлатиладиган материалларни маҳаллийлаштириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Соҳадаги янги лойиҳалар бундан буён бевосита жойларга чиқиб, аҳолининг фикри ва розилиги олинганидан кейин маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиниши белгиланди. Лойиҳага қанча маблағ ажратилгани, пудратчиси қайси корхона экани, қачон ишга тушиши билан боғлиқ барча маълумотлар эълон қилиб борилади. Шу орқали бу борада ҳам жамоатчилик назорати кучайтирилади.

Йиғилишда боғ ва ток қатор ораларига экин экиш тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Юртимизда 331 минг гектар боғ ва 153 минг гектар токзор бор. Уларда қатор ораларидаги ерларга пиёз, саримсоқ, сабзи, баҳор ойларида ерёнғоқ, картошка, помидор ва бодринг экилса, бозорларимизга қўшимча маҳсулот, аҳолига даромад бўлади.

Шу боис вилоятларда йил якунигача 92 минг гектарга тўқсонбости усулида сабзавотлар экиш, бунга уруғлик ва сув етказиб бериш чора-тадбирлари белгиланди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари иқлимга мос экин турлари, агротехникаси бўйича илмий тавсиялар бериб боради.

Белгиланган чора-тадбирлар сув хўжалиги соҳасининг барқарор ишлаши ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга, пировардида халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани қайд этилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимларининг кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисоботлари тингланди.

**ЎзА.**

**ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...**

# Чилонзордан бошланган хайрли ташаббус мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзмоқда










**Бугунги замонда бир шаҳарнинг сердарахтлиги унинг бошқасига нисбатан устунлигини белгилаяпти. Чунки дарахтга бурканган ҳудудда ифлосланган ҳаво, чанг-тўзон кам кузатилади. Бундай жойларнинг ёзи яйдоқ ҳудудларга нисбатан саккиз даражагача салқинроқ бўлади.**

Бир туп катта дарахт тупроқда йилига минглаб литр сувни сақлайди. Бу ўша ернинг унумдорлигида асосий омил саналади. Келтирилаётган маълумотларни ундан-бундан топиб ёзмаяпмиз, уларни оқтепалик нуронийлар суҳбатидан “илиб” олдик.

Давлатимиз раҳбари 14 октябрь куни Чилонзор туманига ташрифи чоғида Оқтепа маҳалласида жамоатчилик билан бирга кўчат экди. Шу билан яна бир хайрли ташаббус – “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги кузги дарахт экиш мавсуми бошлаб берилди.

– Маҳалла аҳли бу ташаббусни кўтаринки руҳда қабул қилди, – дейди Чилонзор тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Набиев. – Оқтепа ва Боғзор маҳаллалари ҳудудида кўчат экиш бўйича катта ҳашар ташкил этилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашимиз керак, бу бир-икки кунлик жараён эмас. Лойиҳа доирасида 800 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазамиз. Аҳоли вакиллари ҳам шахсий ташаббус билан чиқиб, уйларининг атрофларига кўчат экиш ишларини бошлаб юборди. Бу хайрли ташаббус бошқа ҳудудлар бўйлаб ҳам кенг қулоч ёзмоқда.

Маҳалла ҳудуди олти ярим гектар бўлиб, у ерда 27 та кўп қаватли уй мавжуд. Тўрт ярим минг нафардан ортиқ аҳоли 1 минг 610 та хонадонда истиқомат қилади.

– Барча кўп қаватли уйларимиз, битта мактабгача таълим ташкилоти ва умумтаълим мактаби таъмирланди, – дейди маҳалла раиси Чўлпоной Йўлдошева. – Барча қулайликларга эга ўндан ортиқ болалар майдончаси қурилди. Электр таъминоти яхшиланди. Трансформатор пункти, электр узатиш тармоғи мутахассислар томонидан кўриб чиқилди. Энг муҳими, маҳалламиз ҳудудида бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи когенерацион қурилмалар ишга туширилди. Куз-қиш мавсумида муаммо бўлмайди. Аҳолининг кайфияти аъло даражада. Кўчат экиш тадбирлари байрамга айланиб кетяпти. Катта иш олдидан дошқозонда ош дамлаб, дастурхон ёздик.

Маҳалла фаолларининг таъкидлашича, келгусида ҳар бир хонадон биттадан кўчат экишни режалаштирмоқда. Бу маҳалла ҳудудида яна бир ярим минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўкаради дегани.

– Чилонзор туманидаги эллик бешта маҳалла, корхона ва ташкилотлар, ижтимоий соҳа объектларида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида қилинадиган ишларнинг режалари тузилди, – деди Чилонзор тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Мирзоҳид Абдуқодиров ЎзА мухбири Икром Аввалбоевга. – Бу жараёнда ҳар бир экилган кўчатнинг қуриб қолмаслигига эътибор қаратиляпти. Ҳозирданоқ унинг суғориш, парвариш қилиш тизимлари кўриб чиқиляпти. Дарахт экиш, борларини асраш ўзимиз учун муҳимлигини аҳоли яхши тушуняпти. Бу умуммиллий ҳаракатга айланаётгани қувонарли. Лойиҳа доирасида туман бўйича ўттиз минг тупдан ортиқ дарахт экилади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кўчат экиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш катта ҳаракатга айланмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу мавсумда саксон беш миллион туп кўчат ўтқазилади. 15 октябрдан мамлакатимиз бўйлаб туман марказлари, маҳаллаларда кўчат ярмаркаси фаолияти йўлга қўйилади.

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# Вазирлик мутасаддилари – Қашқадарёда

**Маълумки, коммунал соҳа – аҳолининг бевосита бирламчи эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган мураккаб тизим ҳисобланади. Шу боис, ундаги ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, шу билан бирга муаммолар, ечимини кутаётган масалаларни ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди.**



Дастлаб мутахассислар Қарши шаҳридаги Шўртангаз маҳалласида бўлиб, кўп қаватли уйлар ҳолати билан яқиндан танишдилар. 48 та кўп қаватли уйга бугунги кунда “Шокир ҳудудий тех сервис” БСК томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда. Мутахассислар мазкур уйларнинг ертўласида амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари билан ҳам танишиб, жумладан, уйнинг ички муҳандислик тармоқлари, ётиқ ва тик қувурларни янгисига алмаштириш жараёни ва иссиқлик изоляциясини кўздан кечиришди. Шунингдек, мутасаддилар мазкур уйларни иссиқлик билан таъминлаш учун компания ҳамда ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида янги қозонхона барпо этилаётгани ва ҳар бир уйга Индивидуал иссиқлик пункти (ИИП) ўрнатиш жараёни билан ҳам танишдилар.

Бошқарув компанияси уйларнинг ташқи қиёфаси ҳамда кириш йўлакларига ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Бунда кириш йўлакларига энерготежамкор, ҳаракат датчикли чироқлар ўрнатилиб, эшиклар замонавийларига алмаштирилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳудудда бошқарув ташкилоти учун янги ва замонавий бино қурилиб, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар вазирлик махсус штаби билан интеграция қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Қарши шаҳрининг янги массивларидан бири бўлган 11 та кўп қаватли уй жойлашган Ойдин коммунал маҳалласидаги уй-жойлар ҳам ўрганилди. Мазкур ҳудудда ташкил этилган “Қарши ойдин коммунал” бошқарув сервис компаниясининг янги маъмурий биноси, унда аҳоли учун яратилган шароитлар, 24 соат фаолият юритувчи диспетчерлик хизмати, қўшимча сервис хизматлар турлари кўздан кечирилди.

Қарши шаҳридаги бир нечта бошқарув ташкилотлари фаолияти ўрганилиб, соҳага доир аниқланган камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, шунингдек, тизимни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Тадбирда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, замонавий талаблар асосида фаолият юритиш, аҳоли муаммоларини тезкор бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, куз-қиш мавсуми олдидан кўрилаётган тайёргарликни жадаллаштириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими, диспетчерлик хизматларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди. Бошқарув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳақида бошқарув ташкилотлари вакилларига маълумот берилиб, улар фаолиятини енгиллаштириш, хусусан, аҳоли тўловлари кўрсаткичини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда шаҳарда фаолият юритувчи БСК раҳбарларининг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича қатор таклиф ва мурожаатлари ҳам қабул қилинди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№90 (743) 2023 йил 24 октябрь

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш ва рақамлаштириш, соҳада сифат назоратини кучайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хусусий сектор корхоналарини кенг жалб қилиш учун шароит яратиш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар йўл хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш жараёнларининг асосий иштирокчилари ва уларнинг вазифалари этиб белгилансин:

Транспорт вазирлиги – йўл хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритади, кадрлар тайёрлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида стандартларни жорий этиш ва назорат тизимини такомиллаштиришни таъминлайди ҳамда соҳада изчил ислоҳотларни амалга оширади;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси – автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва табиий офатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ягона буюртмачи ҳисобланади, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш, сақлаш ва жиҳозлаш, йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишларини амалга оширади ҳамда йўл хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этади;

Транспорт назорати инспекцияси – йўл-қурилиш объектларида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳамда автотранспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маҳаллий ҳокимликлар – шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўлларини сақлаш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўллари бўйларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ҳамда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишларини амалга оширади;

мустақил муҳандис консультантлар – йўл қурилиши объектларида лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат қилиш ишларини Халқаро муҳандис-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

лойиҳа ва пудрат ташкилотлари – "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ҳамда Давлат харидлари электрон тизими орқали ўтказиладиган харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширади;

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозлаш ишларини таъминлайди, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозлаш ишларини ўрнатилган тартибда мувофиқлаштиради.

2. Йўл ишларига ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб:

автомобиль йўлларида бажариладиган иш турлари қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда сақлашдан иборат бўлади;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, йўл-қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини назарда тутадиган тизим ("ҳажм услуби") жорий этилади;

автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланган объектларнинг асосий конструктив элементлари бўйича камида уч йиллик кафолатли хизмат қилиш муддати жорий қилинади;

йилнинг ҳарорат юқори бўлган вақтларида автомобиль йўлларида юк ташувчи транспорт воситалари ва автопоезд (тиркама)ларнинг (махсус транспорт воситаларидан ташқари) ҳаракатланишига мавсумий чекловлар ўрнатилади.

3. Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) халқаро аҳамиятдаги М39 "Тошкент–Термиз" автомобиль йўлининг "Тошкент–Чиноз" йўналишидаги 817–827 км қисмини илғор хорижий технологиялар ва замонавий халқаро стандартлар асосида цемент-бетон қоплама қурган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш ишларини жорий йилда бошлаш;

б) халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида автомобиль йўлларини, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини юқори тезликда ҳаракатланишга оид халқаро талабларга мувофиқ лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ҳамда келгусида ушбу йўлларга муқобил йўллар мавжуд бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан "пуллик йўллар" тоифасига ўтказиш.

Бунда, "пуллик йўллар"дан олинган даромадларни тақсимлаш ва ушбу йўлларни бошқариш масалалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

в) 2024–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш бўйича аввалги йиллардан ўтиб келаётган объектларни устувор равишда якунлашни назарда тутиш;

г) янгидан бошланадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларини молиялаштиришни асосан халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига амалга ошириш.

Бунда, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили халқаро молия институтларидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларига 300 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда кредитлар жалб қилиб бориш;

д) автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича лойиҳаларнинг техник топшириқларини мажбурий равишда Транспорт вазирлигининг соҳавий илмий-техник кенгашига киритиш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 январдан бошлаб янгидан бошланадиган йўл-қурилиш объектларида лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат қилиш ишлари аутсорсинг шартлари асосида Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ мустақил ташкилотлар, шу жумладан хусусий сектор томонидан амалга оширилади.

5. Қуйидагилар:

Йўл хўжалиги тизимини янада такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ;

Пуллик автомобиль йўлларини ташкил этишнинг истиқболли лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда бошқа кредит муассасалари маблағлари ҳисобига автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

2023–2026 йилларда кўприк иншоотларини тиклаш Дастури 4-иловага ва уни амалга ошириш бўйича ҳар бир ҳудуд кесимидаги асосий параметрлар 4.1–4.13-иловаларга мувофиқ ҳамда 2023–2026 йилларда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш Дастури (кейинги ўринларда – Дастурлар) 5-иловага мувофиқ ва уни амалга ошириш бўйича ҳар бир ҳудуд кесимидаги асосий параметрлар 5.1–5.14-иловаларга мувофиқ;

2023–2026 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш параметрлари 6-иловага мувофиқ;

2023–2026 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 7-иловага мувофиқ;

2023–2026 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ишларининг йиғма параметрлари 8-иловага мувофиқ ҳамда 2023–2026 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйида "яшил белбоғ" ташкил этиладиган объектларнинг манзилли рўйхати 8.1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Транспорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги 2023 йил 31 декабрга қадар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш (шу жумладан, техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш), қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларини "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида баҳолаш мезонлари такомиллаштирилишини таъминласин.

Бунда, Автомобиль йўллари қўмитаси буюртмачи бўлган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига ўтказиладиган тендерларда Қўмитанинг тизим корхоналарининг иштирок этишига рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари ҳамда хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва суғориш тизимлари билан таъминлаш ҳамда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишларини амалга ошириш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тизимли равишда маблағ ажратиб борилишини;

автомобиль йўлларининг йўл бўйи минтақаларида сервис объектларини жойлаштириш ҳамда ажратилган минтақаларда яшил ҳудудларни барпо этиш ва уларни лозим даражада сақлаш бўйича жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилишини;

маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда таъмирланган ички хўжалик йўлларини асраш, уларнинг шикастланишининг олдини олиш чораларини кўриш, йўлларнинг атрофини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилишини;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ажратилган йўл бўйи минтақаларида ноқонуний қурилган бино-иншоотларнинг 2024 йил якунига қадар ўрнатилган тартибда босқичма-босқич кўчирилишини ҳамда ажратилган йўл бўйи минтақалари ташқарисида жойлашган бино-иншоотларга кириб-чиқиш йўлларининг шаҳарсозлик нормаларига мос равишда қайта қурилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, суғориш тизимларини барпо этиш, йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш тадбирларини тизимли равишда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг аниқ механизмини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйида яшил ҳудудларни барпо этиш доирасида Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги "Ўзйўлкўкаламзорлаштириш" давлат муассасасининг ҳудудий бўлинмалари 9-иловага мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тасарруфига ўтказилсин.

9. Адлия вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Транспорт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда автомобиль йўллари бўйида юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида яшил ҳудудларни барпо этиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда узунлиги 20 кмгача бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига аутсорсинг асосида хусусий секторни жалб қилиш лойиҳаларини 10-иловага мувофиқ;

Осиё инфратузилма инвестициялари банкидан жалб қилинадиган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйича лойиҳаларни "лойиҳалаш – қуриш – эксплуатация қилиш" услубини жорий қилган ҳолда 11-иловага мувофиқ амалга оширсин;

мазкур бандда қайд этилган лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, мазкур тажрибани республикада кенг жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатларига ажратилаётган маблағларни амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган талабларга нисбатан 2024 йилда 40 фоизга, келгуси 5 йилда 80 фоизга етказишни ҳамда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу миқдордан кам бўлмаган маблағлар ажратилишини таъминласин;

Автомобиль йўллари қўмитаси корхоналари томонидан бажарилган йўл ишлари натижасида юзага келган 1,4 трлн сўм миқдоридаги дебиторлик қарздорликлар босқичма-босқич тўланиши бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Автомобиль йўллари қўмитасининг марказий аппарати тузилмасига раиснинг йўл хўжалиги соҳасига илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш ва рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсин ҳамда соҳага илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш бўйича тегишли бошқарма ташкил этилсин.

Бунда, ушбу штат бирликлари "Ўзйўлкўкаламзорлаштириш" давлат муассасасининг тугатилиши назарда тутилган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

Автомобиль йўллари қўмитасининг ташкилий тузилмаси 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибида:

"Қўйлиқ кўприклар темир-бетон қурилмалари тажриба заводи", Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги "Кўприклардан фойдаланиш корхоналари" негизида давлат муассасаси шаклидаги "Ўзйўлкўприк" кластери ва унинг ҳудудий филиаллари;

"Йўл лойиҳа экспертиза", "Йўл хўжалиги соҳасидаги давлат активларини бошқариш ва ягона кадастр тизимини юритиш", "Автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини ташкил этиш ва мониторинг қилиш" марказлари негизида "Автомобиль йўллари техник ҳолати таҳлили ва ҳаракат хавфсизлиги маркази" давлат муассасаси ташкил этилсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда рухсат этилган умумий массаси (юк билан) 44 тоннадан ортиқ бўлган N3 ва O4 тоифадаги транспорт воситаларининг (махсус транспорт воситалари ва карьер самосваллари бундан мустасно) йўлларда ҳаракатланиши ва импортини тартибга солишни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

15. Белгилансинки:

2024 йилдан бошлаб хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Менинг йўлим" дастури орқали ажратилади;

"Менинг йўлим" дастури доирасида хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига буюртмачи бўлиб Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий йўлларга буюртмачи хизматлари ҳисобланади.

16. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида умумий қиймати 28,2 млн евро бўлган харид қилинадиган махсус йўл техникалари рўйхати 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Ўзмиллийбанк" АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси бир ой муддатда:

махсус йўл техникаларининг Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги "Ўзйўлбутлаш" республика таъминот бошқармаси орқали Германиянинг нуфузли компанияларидан харид қилинишини;

лойиҳа қийматининг 85 фоизини Германия Федератив Республикаси банкларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан, 15 фоизини Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш тартибини белгиловчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитасининг барча манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида йўл қопламалари конструкцияларига замонавий материаллар ва технологияларни қўллаган ҳолда қийматни оптималлаштириш ҳисобига ҳамда тендер натижаларига кўра иқтисод қилинган маблағларни таъмирталаб йўлларга йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда:

транспорт вазири И.Р. Махкамов ва Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Ж.Ю. Турсунов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини лойиҳалашда, техник топшириқ шартларини ишлаб чиқишда намунавий андозалардан воз кечилиб, ҳар бир лойиҳага алоҳида ёндашув асосида уларнинг қимматлашувининг олдини олишга;

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Зокиров автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари лойиҳаларини давлат экспертизасидан ўтказишда йўл қопламалари конструкцияларига замонавий материаллар ва технологияларни қўллаган ҳолда қийматни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратсин.

18. Белгилансинки:

Автомобиль йўллари қўмитасининг идоравий мансуб корхона ва ташкилотлари ўртасида товарларни сотиш, харид қилиш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ҳамда ишларни бажариш танлов ва тендер савдолари ўтказмасдан амалга оширилади (буюртмачилик функцияларини бажариш билан боғлиқ шартномалар бундан мустасно);

Автомобиль йўллари қўмитасининг идоравий мансуб корхона ва ташкилотлари ўртасида асосий воситаларнинг беғараз ўтказилишида (олинишида ва берилишида) улар фойда солиғи тўлашдан озод этилади;

Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг 2022 – 2023 йиллар якунлари ва келгуси йиллардаги молия-хўжалик фаолияти бўйича соф фойдаси миқдори тўлиқлигича тизим корхона ва ташкилотлари тасарруфида қолдирилади ҳамда устувор равишда уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун йўналтирилади.

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлигининг Автомобиль йўллари қўмитаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига 2023 йил 1 октябрь ҳолатига кўра мавжуд қарздорликларини, жумладан ҳисобланган пеня ва жарималарни, шунингдек, ундирилиши умидсиз бўлган қарздорликларини ва пудрат шартномалари бўйича автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларининг фойдаланишга ўз вақтида топширилмаганлиги сабабли ҳисобланган пеня ва жарима санкцияларини кечиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 14-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Қуйидагиларга:

Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматовга – Дастурлар ва "йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларни муддатида ва сифатли амалга оширилишининг мувофиқлаштирилиши, жумладан аввалги йиллардан ўтиб келаётган объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши ҳамда йўл-қурилиш объектларига ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш юзасидан;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчқоровга – Дастурлар, "йўл харитаси" ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ишлари йиғма параметрлари, пуллик автомобиль йўлларини ташкил этиш лойиҳалари ижросини таъминлаш ҳамда эксплуатация қилиш харажатлари учун Давлат бюджетидан зарур маблағларнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмларда ажратилиши юзасидан;

Бош прокурор ўринбосари С.И. Самадовга – Дастурлар ва ҳудудлар кесимидаги асосий параметрлар доирасида маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатиш юзасидан;

транспорт вазири И.Р. Махкамовга – Дастурлар ва "йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, жумладан илғор хорижий тажрибалар асосида стандартларни жорий этиш, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларида сифат назоратининг Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши юзасидан;

инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратовга – Дастурлар, "йўл харитаси", пуллик автомобиль йўлларини ташкил этиш лойиҳалари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда бошқа кредит муассасалари маблағлари ҳисобига автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар учун хорижий инвестиция ва имтиёзли кредит маблағларининг белгиланган муддатларда жалб этилиши юзасидан;

ички ишлар вазири П.Р. Бобожоновга – Дастурлар ва "йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, жумладан, автомобиль йўлларида юк ташувчи транспорт воситалари ҳаракатланишида ўрнатиладиган чекловларга риоя этилиши ҳамда йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракат хавфсизлиги устидан назорат амалга оширилиши юзасидан;

Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Ж.Ю. Турсуновга – Дастурлар ва "йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатида ҳамда сифатли амалга оширилиши, соҳага илғор рақамли технологиялар жорий этилиши, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектлари таннархи оптималлаштирилиши, йўлларнинг жиҳозланиши, кадрлар тайёрланиши, йўл хўжалиги соҳасига оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилиши юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига – Дастурлар ва ҳудудлар кесимидаги асосий параметрлар, "йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирлар, автомобиль йўллари бўйини кўкаламзорлаштириш ишлари йиғма параметрлари ижросининг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилиши ҳамда маҳаллий бюджетлардан талаб этиладиган маблағларнинг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда ажратиб борилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов, транспорт вазири И.Р. Махкамов ва Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Ж.Ю. Турсунов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 10 октябрь

ҚАРОРГА ШАРҲ

# Йўл хўжалиги соҳасида нималар ўзгармоқда?

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Келаси йилдан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларига 300 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда кредитлар жалб қилиб борилади. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Автомобиль йўллари қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Нилуфар Жумаева маълум қилди.**



Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишларига доир аниқ ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўлларини бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этган эди. Шунга кўра, йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш ва рақамлаштириш, соҳада сифат назоратини кучайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хусусий сектор корхоналарини кенг жалб қилиш учун шароит яратиш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги "Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–330-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан, бундан буён, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ҳамда сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатлари ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Эндиликда йўлларни лойиҳалаштиришда комплекс ёндашув бўлади. Яъни, қаерда тўхташ жойи бўлади, қаерда дарахт экилади, ёқилғи қуйиш шохобчаси, техник ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қаерда жойлашади, деган саволларга лойиҳанинг ўзида тўлиқ жавоб бўлади ва шундан кейингина лойиҳа қабул қилинади. Йўл ишларига ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, йўл-қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини назарда тутадиган тизим (ҳажм усули) жорий этилади.

Бугунги кунгача лойиҳаларнинг техник топшириғи "ресурс" усулига асосланган бўлиб, бунда 1 километр йўл қуриш учун қанча ишчи керак, қанча ёқилғи ва нечта техника ишлатилади, техниканинг тури қанақа бўлиши керак, деган юзлаб шартлар киритилар эди. Эндиликда, йўлнинг ўзига талаб белгиланиши ҳамда уни сифатли қабул қилиниши жорий этилади. Пудратчи йўлни қандай техника билан қуришини ўзи ҳал қилади. Қурилаётган автомобиль йўллари сифатини таъминлаш мақсадида йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланган объектларнинг асосий конструктив элементлари бўйича камида уч йиллик кафолатли хизмат қилиш муддати жорий қилинади.

Шунингдек, 2025 йил 1 январдан янгидан бошланадиган объектларда йўл-қурилиш ишлари бўйича лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат қилиш ишлари аутсорсинг шартлари асосида Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ мустақил ташкилотлар, шу жумладан, хусусий сектор томонидан амалга оширилади. Янгидан бошланадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларини молиялаштириш асосан халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бунинг учун, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили халқаро молия институтларидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, кўприклар ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектларига 300 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда кредитлар жалб қилиб борилади.

Шу билан бирга, соҳага хусусий сектор вакилларини кенг жалб қилиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда узунлиги 20 километргача бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига аутсорсинг асосида хусусий сектор жалб қилинади. Осиё инфратузилма инвестициялари банкидан жалб қилинадиган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида "лойиҳалаш – қуриш – эксплуатация қилиш" услубини жорий қилган ҳолда лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Менинг йўлим" дастури орқали ажратиб борилади. Энди қаерда ички йўл қуриш, қаердаги йўлларни таъмирлашни фуқароларнинг ўзи ҳал қилади. Лойиҳаларни танлаб олишда ва сифатни таъминлашда очиқлик таъминланиб, тўлиқ жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Бундан буён соҳани рақамлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилади. Жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ҳолатини баҳолаш ва мониторинг қилиш рақамли технологиялар орқали самарали ташкил этилиб, автомобиль йўлларида рақамли (онлайн режимда) бошқариладиган инновацион йўл белгилари, паннолар ва кўрсаткичлар жорий қилинади. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчиқ" довонидан ўтган 100 километр қисмида интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш ишлари бошланади.

Қарорга кўра, йўлларимизни асраш мақсадида халқаро тажрибада юк транспортлари вазнини ўлчайдиган назорат тарозиларини ўрнатиш амалиётидан кенг фойдаланилиб, ушбу тарозиларни мамлакатимизда хусусий шериклик асосида ўрнатиш ишлари ҳам бошланади. Йўл соҳасида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий техникаларни бошқара оладиган мутахассисларни тайёрлаш, жумладан, халқаро рейтингларда биринчи 1000 талик рўйхатга кирувчи хорижий университетлар, жумладан Германиянинг Ахен шаҳридаги Рейн-Вестфаль техника университети, Туркиянинг Истанбул техника университети, Хитой Халқ Республикасининг Сиань Цзяотун университети ва бошқа университетлар билан малакали кадрларни тайёрлаш йўналишида ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Мазкур қарор билан:

– соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш ва ривожлантириш мақсадида пуллик автомобиль йўлларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш бошланади;

– тасдиқланган 2023 – 2026 йилларда кўприк иншоотларини тиклаш дастурига мувофиқ ҳудудлардаги 897 дона кўприклар қайта тикланади;

– тасдиқланган 2023 – 2026 йилларда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш дастурига мувофиқ 50 минг км дан ортиқ автомобиль йўллари, шундан 13,5 минг км дан ортиқ ички йўллар таъмирланади, 25,3 минг км дан ортиқ тупроқ йўллар 2025 йил якунига қадар тўлиқ қаттиқ қопламали йўллар тоифасига ўтказилади;

– шунингдек, 2023 – 2026 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш бўйича аниқ лойиҳалар, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ишлари, жумладан, автомобиль йўллари бўйида "яшил белбоғ"лар ташкил этилиши юзасидан амалий ишлар олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори билан белгилаб берилган йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида:

**биринчидан**, йўл хўжалигини бошқариш тизими такомиллаштирилади, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг замонавий тармоғи янада ривожлантирилади;

**иккинчидан**, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилади;

**учинчидан**, лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифати таъминланади;

**тўртинчидан**, соҳага хусусий сектор вакиллари кенг жалб этилади;

**бешинчидан**, соҳада давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бир қатор лойиҳалар, жумладан, пуллик автомобиль йўлларини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилади;

**олтинчидан**, автомобиль йўллари, айниқса, қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш ишлари орқали аҳолига яшаш учун қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратилиб, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси янада яхшиланади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт ривожига, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

# Бухорода қурилишлар доимий назоратда

**Баҳодир ТОШЕВ**, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.



**Сўнгги йилларда барча ҳудудлар каби кўҳна Бухорода ҳам бунёдкорлик ишлари авжида. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан вилоятда барпо этилаётган объектларда доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.**



Хусусан, Бухоро шаҳридаги "Bukhara city" ҳудудида тадбиркор Н. Ражабов томонидан қурилаётган биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси юқори қаватлари турар жой биноси объектида навбатдаги назорат ишлари ўтказилганда бир қатор камчиликлар аниқланди. Ўрганишлар натижасида бинонининг 2- ва 8-қаватларида терилаётган газоблок маҳсулотлари "Сейсмик ҳудудларда қурилиш" меъёрий талаблари асосида бажарилмаганлиги, "Қурилишда хавфсизлик техникаси" қоидаларини бузган ҳолда айрим ишчилар махсус кийимлар тўпламидан ҳамда ҳимоя каскалари ва ҳимоя белбоғларидан фойдаланмаганлиги, шунингдек, бинонинг ички қисмида қурилиш материаллари чиқиндилардан тозаланмаганлиги аниқланди.

Ушбу қоидабузарликлар бўйича буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилиб, қурилиш-монтаж ишлари вақтинчалик тўхтатилди.

Қоровулбозор тумани "Навбаҳор" МФЙ ҳудудида "China energy construction group Toshkent" МЧЖ буюртмачилигида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган "500 мВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси" объектида ҳам навбатдаги назорат тадбирлари ўтказилди. Бинонинг остки қисмидаги бетон ишлари – армокаркаслари лойиҳа талаби асосида бажарилмаган ва тупроқнинг қатлам зичлиги бўйича лаборатория хулосалари тақдим этилмаган. Ушбу қоидабузарликлар бўйича сифатсиз бажарилган ишлар жойида демонтаж қилдирилди ва қурилишнинг масъул шахсларига "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими орқали бажарилиши мажбурий бўлган электрон ёзма кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мазкур тумандаги "Имом Бухорий" МФЙ ҳудудида буюртмачи "SULPHOTECH" МЧЖ томонидан қурилаётган Минерал ўғитларни ишлаб чиқариш заводи қурилиш объектида навбатдаги назорат ишлари ўтказилди. Натижада трансформатор ўрнатиладиган бинода терилган ғиштлар қурилиш меъёрлари талаби асосида бажарилмаганлиги ҳамда сейсмик белбоғларда ишлатилган арматуралар лойиҳа талабига кўра амалга оширилмаганлиги аниқланди. Сифатсиз ишлар бўйича жойида демонтаж олиб борилиб, бажарилиши мажбурий бўлган электрон ёзма кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, инспекция томонидан вилоятнинг Олот тумани "Халифа" МФЙ ҳудудида буюртмачи "OLOT ASAKA TEKSTIL" МЧЖ томонидан қурилаётган мато ва тайёр кийим ишлаб чиқариш объектининг қурилиш ишлари ҳам ўрганилди. Назорат давомида қурилиш материаллари ва буюмларининг мувофиқлик тўғрисидаги сертификат ҳамда паспортлари тақдим қилинмади. Объектда техника хавфсизлик талабларига риоя қилинмаган, яъни, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмасдан қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, биринчи резервуар ташқи томонига терилаётган ғишт териш ишлари лойиҳа асосида бажарилмагани аниқланди. Яъни, СГ-1 тўрлар ўрнатилмасдан бажарилган. Юқоридаги қоидабузарликлар юзасидан сифатсиз бажарилган ишларни демонтаж қилиш бўйича қурилишнинг масъул шахсларига бажарилиши мажбурий кўрсатмалар берилди ва қурилиш ишлари вақтинчалик тўхтатилди.

Бундан ташқари, Когон шаҳар "Туркистон" МФЙ ҳудудида фуқаро С. Нурова томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган "Ёшлар меҳнат гузари" биносида ҳам навбатдаги назорат ишлари ўтказилди. Натижада қурилиш объектида ғишт териш ишлари меъёрий талабларга зид бажарилганлиги, "Сейсмик ҳудудларда қурилиш" меъёрий ҳужжат талабларига зид равишда колонна ва ригелларда деворларнинг уланишида ММ-1 ва СГ-1 тўрлардан фойдаланилмаганлиги аниқланди. Мазкур қоидабузарликлар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилиб, қурилиш ишлари тўхтатилди.

Бундай назорат ишлари келгусида қуриб биткизилган бино ва иншоотларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Жойларда назорат ишлари давом этмоқда.

# Бунёдкорлик ишлари кўлами кенгаймоқда

**Юртимизда сўнгги йилларда янги бино ва иншоотлар қурилиши кўпаймоқда. Шунингдек, бу соҳада фаолият юритувчи ташкилотлар сони ҳам ўтган йилларга нисбатан анчайин ортган. Хусусан, Статистика агентлиги берган маълумотларга кўра, 2023 йилнинг январь-август ойларида қурилиш соҳасида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 3 421 та бўлиб, бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даври билан солиштирганда 220 тага кўп.**



2023 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистонда 93 трлн 268,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди. Бу ишларнинг 90 трлн 525,8 млрд сўмлик ҳажми нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан бажарилган. Жумладан, бунга амалга оширилган қурилиш ишлари, янги қурилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳажмлари киради.

Мазкур қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

– бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши – 68,4 фоиз;

– фуқаролик объектларини қуриш йўналиши – 21,5 фоиз;

– ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши – 10,1 фоиз.

Шунингдек, сўнгги йилларда пойтахтимизда янги бино ва иншоотлар барпо қилиш учун ҳаракатлар анча ошган. Жорий йилнинг январь-август ойлари Тошкент шаҳрида жами 22,6 трлн сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, ушбу ҳудудда йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 25,3 фоизни, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 66,1 фоиз ҳамда норасмий секторда бажарилган ишлар эса 8,6 фоизни ташкил қилди.

Маълумот учун, 2023 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 34 368 тага етди.

**"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири Муродбек ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ: **ШНҚ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

# ШНҚ 2.07.01-03 "ШАҲАРСОЗЛИК. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚУРИЛИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИНГ 179-БАНДИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 апрелда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 158)

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 декабрдаги ПҚ-444-сон "Электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.07.01-03 "Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 179-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"Республикада қуриб битказиладиган савдо ва бизнес марказлари, кўнгилочар ва дам олиш масканлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, меҳмонхоналар, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари бўйидаги инфратузилма объектларининг лойиҳаларига мажбурий тартибда электромобилларни қувватлантириш станцияларини киритиш лозим. Бунда, мазкур инфратузилма объектлари автотураргоҳларидаги машина жойларининг камида 5 фоизи (лекин битта жойдан кам бўлмаган ҳолда) электромобиллар ва гибрид автомобилларни қувватлантириш учун ажратилиши керак.".

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2024 йил 1 январдан кучга киради.

**Вазир** **Б. ЗАКИРОВ**
Тошкент ш.,
2023 йил 5 апрел,
71-сон

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№90 (743) 2023 йил 24 октябрь

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**

# Қуёш фотоэлектр станциясини ўзида жамлаган автотураргоҳ

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорликни ошириш орқали республика ҳудудларида кузатилаётган энергия тақчиллигига барҳам бериш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шароит ва рағбатлантириш механизмларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди.**

– Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах политехника институтида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, – деди институтнинг молия-иқтисод ишлари бўйича проректори Шуҳрат Аликабулов. – Институтимизда 550 кВтли қуёш фотоэлектр станцияси 6 миллиард 150 миллион сўмга харид қилиниб, ўрнатилди. Бундан ташқари, бош ўқув биносида 200 кВтлик қуёш фотоэлектр станциясини ўзида жамлаган замонавий кўринишга эга автотураргоҳ барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектни қуришдан кўзланган асосий мақсад – муқобил энергия манбаси таъминотига ўтиш ва олий даргоҳимизда энергетика йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг амалиёт сабоқларини ушбу автотураргоҳда амалга оширишдан иборат. Бундан ташқари, институт 2-ўқув биноси ҳудудига 100 кВтли, 3-ўқув биноси том қисмига 150 кВтли, талабалар турар жойи том қисмига 100 кВтли



қуёш фотоэлектр станциялари ҳамда талабалар турар жойи том қисмига 10 та қуввати 2000 литр бўлган қуёш сув иситиш тизими ўрнатилди.

Жиззах политехника институтида барпо этилган қуёш фотоэлектр станциялари бир йилда қарийб 1 миллиард сўмлик электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

# Саноат технопарки қурилади

**Сўнгги бир неча йил ичида Жиззах вилоятида Хитой капитали иштирокида рўйхатга олинган корхоналар сони 40 дан ошди ва улар томонидан ҳудудга бугунгача 910,0 млн доллардан ортиқ инвестициялар жалб этилган.**

Иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш баробарида Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани ҳудудида 2023-2025 йилларда амалга ошириладиган лойиҳа натижасида мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 борабарга ортади.

Маълум қилинишича, Технопарк ўз ичига электротехника маҳсулотлари, кимё саноати, текстил ва қурилиш материаллари каби соҳалардаги ишлаб чиқариш лойиҳаларини қамраб олади.

# "Янгибоғ"да янги бино

**Бахмал туманидаги "Янгибоғ" МФЙда амалга оширилаётган "Обод маҳалла" ва "Обод кўча" ҳамда "Обод хонадон" дастурлари доирасида янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилди.**

Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга маҳалла фуқаролар йиғини биноси маҳалла аҳли учун ҳақиқий туҳфа бўлди.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот замирида биринчи навбатда аҳолини рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш ётганлигини ҳар бир фуқаро ҳис қилмоқда. Буни маҳаллада олиб борилаётган бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишларидан ҳам илғаш қийин эмас. Очилиш маросимида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз бориб, барча эзгу ишлар, аввало, халқимиз розилиги, инсон қадри учун хизмат қилаётгани таъкидланди.

# Олис тумандаги оламшумул ишлар

**Янгиобод – Жиззах вилояти марказидан энг олис ҳудудда жойлашган туман. Ушбу туман бугун кенг миқёсдаги ўзгаришлар, янгиланишларга юз тутган. Туман марказидан бошланган ободлик чекка-чекка ҳудудларга қадар етиб бориб, кўплаб соҳалар ривожланмоқда. Кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижасида маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси кўркам тус олиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланмоқда.**

Янгиобод тумани марказидаги асосий йўлларга замонавий тус берилиб, саломатлик йўлаклари барпо этиляпти. Бу ишларнинг давоми сифатида Баландчақир маҳалласидаги йўлнинг 4,5 километр қисми, кўп йиллардан бери аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган Намингон қишлоғига олиб борувчи йўлнинг 2 километр қисми ва бошқа бир қатор ички йўллар тўлиқ асфалт қилинди.

Шунингдек, жорий йилда маҳалла аҳли кўп йиллар орзиқиб кутган жараён, 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 80 нафар ўғил-қиз таълим олаётган ушбу мактаб янги ўқув йили олдидан амалга оширилган таъмирлаш ишлари натижасида кўркам қиёфага кирган. Синф хоналарда сифатли таълим бериш учун шароитлар яхшиланган. Спорт зал, информатика хонаси, махсус синф хоналар, шунингдек, кутубхонада ҳам талаб даражасига келтирилган. Мактабнинг спорт зали бугун ўқувчилар билан гавжум. Дарс вақтида, шунингдек, дарсдан ташқари вақтларда ҳам ўғил-қизлар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

"Сармич" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Жўлангар қишлоғи томон йўл олдик. Ҳудудда жойлашган 7-умумтаълим мактабида ҳам жорий йил мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Туман марказидан 17 километр узоқликда, чегара ҳудудида жойлашган таълим муассасаси 1991 йилда қурилган. 2,5 млрд сўм маблағ эвазига амалга оширилган таъмирлаш жараёнидан сўнг мактаб ўзгача қиёфа касб этган.

Туман марказида янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг очилиши ҳам ҳудудда таълим сифатини яхшилашга эътибор юқори эканидан дарак. Масъулларнинг маълум қилишича, мазкур муассасанинг фойдаланишга топширилиши натижасида туманда мактабгача ёшдаги болаларнинг қамров даражаси 90 фоизга яқинлашар экан. Дарвоқе, Янгиободда 2017 йилда атиги 2 та боғчада 38 нафар тарбияланувчи бўлган бўлса, 2023 йилга келиб мактабгача таълим ташкилотлари сони 26 тага етиб, 2000 га яқин болажонни сифатли таълим олиши таъминланган.

Шу ўринда, рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, туманда 2022-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан умумий қиймати 78 млрд 386 млн сўмлик 32 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши ҳамда 258 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Бугунги кунда умумий қиймати қарийб 12 млрд сўмлик 12 та янги инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 77 та янги иш ўрни яратилди. Янгиободлик моҳир тикувчи хотин-қизларни иш билан таъминлаган тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу корхонани ҳам улар сафига қўшишимиз мумкин. Қишги ва кузги мавсумга мос аёллар ва эркаклар либослари ишлаб чиқарилаётган корхонада бугун иш жараёни қизғин давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг олис туманида амалга оширилаётган оламшумул ишларнинг барчаси энг аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**

# Маҳаллий маҳсулотлар ярмаркаси

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.




**Қарши шаҳрида ўтказилган ярмарка нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, кимё, чарм-пойабзал, тўқимачилик, электротехника ва фармацевтика саноати каби тармоқларни қамраб олди. Унда "Ўзбекнефтгаз", "Ўзкимёсаноат", "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик бирлашмалари билан бир қаторда "Ўзчармсаноат" уюшмасига аъзо хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг реал ва потенциал ҳамкорлари, ҳудудий саноат корхоналари иштирок этишди. Унда мезбон вилоятдан ташқари республиканинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган 100 дан ортиқ корхона ва компаниялар ўзларининг 1000 га яқин турдаги маҳсулотлари билан қатнашдилар.**

Ярмаркада маҳсулотлар кўргазмаси, шунингдек, корхоналар ва истиқболли лойиҳалар тақдимотлари уюштирилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандумлар имзоланди. Саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, тадбир давомида, чарм-пойабзал саноатининг энг фаол вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, нафақат маҳаллий фуқаролар ва саноатчилар, балки юртимизда фаолият юритаётган хорижий компаниялар вакилларини ҳам диққат-эътиборини тортди.

Бундан ташқари, ярмаркада ҳудудий корхоналар ҳам ўз лойиҳалари тақдимотларини ўтказиб, истеъмолчиларга янги маҳсулотларни намойиш этишди. Мисол учун, Косон туманидаги "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти ўз стендида янги ёғ заводида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғини ва экспортга жўнатилаётган тўқима матоларини ҳам кўргазмага қўйди. Маҳаллий корхоналардан яна бири, Қарши шаҳридаги "Standart-Pribor" илмий-ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти эса нефть ва газ саноати субъектлари учун мўлжалланган масофали сигнализация қурилмаси, терморегулятор, кучланиш инвертори каби маҳсулотларни намойиш қилган бўлса, Қарши шаҳридаги "Қавали" кичик саноат зонасидаги "ALPTOM" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган сэндвич панеллари ва профнастил каби қурилиш материаллари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, тадбир доирасида "Маҳаллийлаштиришда инновацион ёндашувлар" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ҳам ташкил этилиб, унда юқори технологик маҳсулотлар, инновацион ишланмалар ва бошқа кўрсаткичлар бўйича энг яхши натижаларга эришган иштирокчилар рағбатлантирилди.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**

# Тайёргарлик пухта бўлса...

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қишки мавсумда аҳолини, хусусан, ижтимоий соҳа ташкилотларини етарли миқдорда кўмир билан таъминлаш коммунал соҳадаги муҳим вазифалардан бири. Бу эса мазкур тизимдагилар зиммасига доимо катта вазифа юклайди. Хуршид Умаров раҳбарлик қилаётган "Кўмиртаъминот" МЧЖ Самарқанд филиали жамоаси ана шундай масъулиятни жиддий ҳис этяпти. Таъминотчилар ҳозирданоқ оқилона иш тутиб, яқинлашиб келаётган қиш мавсуми учун тайёргарликни ҳар томонлама кучайтиришган.**



– 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумида вилоят ижтимоий соҳа объектлари учун 67827 тонна маҳаллий кўмир етказиб бериш режалаштирилган, – деди филиал директори. – Бугунги кунгача мақсадга тўлиқ эришилди. Яхши биламизки, мактабгача ва мактаб таълими, соғликни сақлаш, маданият, ёшлар сиёсати ва спорт, олий таълим, фан ва инновациялар тизимидаги ташкилотларнинг қиш мавсумида кўмирга бўлган эҳтиёжлари бошқаларга нисбатан каттароқдир. Шу боис, биринчи галда айнан шу соҳаларга эътибор қаратдик. Ҳозиргача уларнинг ҳаммаси эҳтиёжларига яраша кўмирни олиб бўлишди.

Хуршид Умаров таъкидлаганидек, айни пайтда тармоқда ижтимоий соҳаларга кузги-қишки мавсум учун арзон ёқилғи етказиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар кўнгилдагидек кетмоқда. Шу билан бирга, кўп сонли истеъмолчиларга ҳам етарли миқдорда кўмир ажратилган. Фақат қиш фаслида кўмирнинг қанчалик зарур бўлишини ҳали истеъмолчиларнинг ҳаммаси тўлиқ англаб улгуришмаган ёки улар олдинда қуёшли илиқ кунларнинг кўплигига ишонч билдиришаётганга ўхшайди. Буни режалаштирилган кўмирнинг улар томонидан 6 фоизигина харид қилинганидан ҳам билиш мумкин.

Бугунги кунда "Кўмиртаъминот" МЧЖ Самарқанд филиалига қарашли 12 та ҳудудий кўмир омбори фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1 654 тонна, жумладан, бюджет ташкилотлари учун 345 тонна, аҳоли учун 1 309 тонна маҳаллий кўмир маҳсулоти захираси мавжуд. Кўмир тарқатиш жараёни узлуксиз давом этяпти. Филиалнинг 134 нафар ишчи-ходими мижозларга намунали хизмат кўрсатиш мақсадида ғайрат қилишмоқда. Жойлардаги ҳудудий омборхоналарнинг барчасида амалга оширилаётган ишлардан кўнгил тўлади.

Улардан бири – "Зарафшон" омборхонаси фаолияти кўпчилик учун ибратга сазовор. Омборхона мудири Музроб Баҳроновнинг айтишича, бу ҳудудий омборхонага тегишли 51 та омбор мавжуд. Омборхонанинг 12 нафар ишчиси 3 та юк туширувчи механизмлар ёрдамида бир вақтнинг ўзида 50 тагача вагон юкини вақтида қабул қилиб олишга бемалол улгуришади. Барча омборларда ишчи-хизматчилар учун етарли шароит яратилган. Видеокузатув жиҳозлари билан таъминлангани эса ҳар қандай талон-торожлик ва хуфиёна қинғирликларнинг олдини оляпти.

Бир сўз билан айтганда, "Кўмиртаъминот" МЧЖ Самарқанд филиалида эришилаётган ютуқлар ҳамда муваффақиятларнинг бош сабаби – кузги-қишки юмушларга аввалдан кўрилган пухта ҳозирлик натижасидир.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

# Умумий мулк ва фуқаро мулкининг чегараси қаерда?

**Ҳилола ИСМАТОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли қарори ҳамда 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари ижроси юзасидан Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ва кадастр агентлиги билан ҳамкорликда рейд тадбирлари олиб борилмоқда.**

Йил бошидан буён ҳозирги кунга қадар вилоятда ўзбошимчалик билан қурилган 37 объект аниқланган ва уларга нисбатан қонуний чора қўлланилиб, 18,6 гектар ер майдони давлат захирасига қайтарилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги "Аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, шунингдек, тадбиркорлик мақсадлари учун ер ажратиш тартибини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 467-сонли қарорига асосан тегишли далолатнома расмийлаштирилган.

Хусусан, Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда Навоий шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими томонидан олиб борилган ер назорати тадбирлари давомида шаҳардаги "Дўстлик" МФЙ Ислом Каримов кўчасида жойлашган савдо дўконининг орқа қисмидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз 18 кв метр ер майдони фуқаро А. К. томонидан эгаллаб олиниб, қурилиш ишлари амалга оширилганлиги аниқланди. Ҳолат юзасидан мутасаддилар томонидан фуқарога ноқонуний қурилмани бартараф этиш мақсадида огоҳлантириш берилди. Бундан тўғри хулоса чиқарган фуқаро ўз ҳисобидан ушбу ноқонуний қурилмани бартараф этди ҳамда ер майдони аввалги ҳолатига қайтарилди. Шунингдек, шаҳарнинг Ғалаба кўчасида жойлашган Навоий давлат кончилик университетининг талабалар ўтиб-қайтиш йўлагини тўсган ҳолда ўзбошимчалик билан дўкон қуриб олган М. М. га нисбатан "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг тегишли бандлари билан жарима жазоси қўлланилди ҳамда ноқонуний қурилма бартараф этилди.

Аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли уйлар ёнида ноқонуний тикланаётган қурилмалар фуқароларга ноқулайлик туғдираётгани, ўтиб-қайтиш йўлакларини ёпиб қўйгани жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Шаҳарнинг Фаровон маҳалласи Таробий кўчасида тадбиркор томонидан мактабгача таълим муассасаси белгиланган лойиҳа ҳужжатларидан четга чиққан ҳолда кўп қаватли уйнинг олд томонини енгил конструкцияли профнастил билан ўраб олгани аниқланиб, ноқонуний қурилма жойида бартараф этилди. Шунингдек, С. Айний кўчасида кўп қаватли уй ёнида ноқонуний овқатланиш шохобчаси қурилгани ва аҳолига ноқулайликлар туғдираётгани ҳақидаги мурожаатлар ўз тасдиғини топди. Тадбиркор уй олдини тўсиб қурилган ушбу ноқонуний ошхонани бузиш юзасидан огоҳлантирилди ва қурилма ўз вақтида бартараф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси шаҳар ва туман ҳудудларининг ривожланиши, аҳоли яшаши учун қулай ва муносиб шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, шаҳар ва туманларнинг, маҳаллаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш жараёнида кенг жамоатчилик иштироки таъминланган. Умуман, ҳар бир қурилиш ишлари жамоатчилик назоратида бўлиб, аҳоли ўз фикрини эркин билдиришга ҳақли эканлиги ҳамда уларнинг таклиф ва талаблари эътиборга олиниши қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлашга асос бўлмоқда.

Булардан ташқари, жорий йилнинг май ойи давомида Хатирчи туманидаги марказий Деҳқон бозори ҳудудидаги ноқонуний қурилмалар бартараф этилиб, бозор ёнидаги марказий йўл кенгайтирилди.

– Бозор атрофидаги хонадонларда, киравериш йўлида ўзбошимчалик билан қурилган дўкон, савдо-сотиқ расталари, сартарошхона ва бошқа ноқонуний қурилмалар туфайли марказий кириш йўли қисқариб, қисман тўсиб қўйилган эди, – деди Хатирчи тумани бош архитектори Алишер Хидиров. – Бу ҳолат транспорт воситаларининг ўтиб-қайтиши, аҳолининг ҳаракатланиши учун ноқулайликлар туғдираётгани эди. Эндиликда салбий ҳолатларга чек қўйилиб, ноқонуний қурилишлар бартараф этилди ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган объектларнинг оқибатлари юзасидан аҳолига ҳуқуқий тушунча берилди. Ноқонуний қурилишнинг умри қисқа эканлиги, узоққа бормаслигини яхши билган фуқаро бундай ишга ортиқча пул ҳам, вақт ҳам сарфламайди. Қолаверса, ер олиб қурилиш қуришни истаган тадбиркор учун имкониятлар етарли, аукцион орқали ўз ерига қонуний эга бўлаётган мулкдорлар сафи кун сайин ортиб боряпти.

Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, кўп қаватли уйдан тўғри фойдаланишни билмаслик оқибатида келиб чиқяпти. Ўзи яшаб турган кўп қаватли уйнинг умумий фойдаланишда бўлган ҳудудида кўпнинг ҳаққи борлиги, уни ўзбошимчалик билан эгаллаш нотўғри эканлигини англаган фуқаро, бу каби ноқонуний ишлардан ўзини тияди.

Бир сўз билан айтганда, қачонки бизда жамоатчилик мулкидан тўғри фойдаланиш маданияти юқори кўрсаткичда бўлса, ўз мулкимиз, ўзганинг ёки умумий мулкни асраш ҳамда кўпнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик каби оддий инсоний тушунчалар юксалса, эҳтимол, қонунлардаги жавобгарликка мурожаат қилишга ҳожат қолмасди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№90 (743) 2023 йил 24 октябрь





# ЮРТ РАВНАҚИ, ҲУДУДЛАР КЎРКАМЛИГИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

**Азиз МАШРАБОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кўҳна Сурхон қадимдан танти халқию гўзал табиати билан машҳур бўлиб келган. Бу азим юрт ботиру баҳодирлар, олиму фузалолар макони бўлган. Қувонарлиси, бу анъанага содиқ сурхонликлар бугунги кунда ҳам барча соҳада фаоллика интилиб, юртимиз равнақи, ҳудудлар кўркамлиги ва аҳоли фаровонлиги йўлида шижоат билан меҳнат қилиб келмоқда. Қуйида вилоятда амалга оширилаётган ана шундай ижобий ўзгаришлар билан танишасиз.**

## “Янги Ўзбекистон” массивлари серфайз гўшага айланмоқда



**Жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги бешта “Янги Ўзбекистон” массивида 5 минг 90 ўринли 145 та замонавий кўп қаватли уй-жой қад ростламоқда. Уларнинг 66 тасида ўтган йили қурилиш ишлари бошланган бўлса, 79 тасининг пойдевори шу йил ташланган. Барча қулайликларга эга арзон ва шинам янги хонадонлар 5 минг 90 оиланинг уй-жойга бўлган талабини қондиради.**

Инсон қадри улуғланиб, халқпарвар давлат барпо этилаётган мамлакатимизда аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун барча қулайлик яратилмоқда. Бу жараёнда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да белгилаб олинган вазифалар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Жумладан, Стратегияда реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этиш, 275 мингдан зиёд оиланинг янги массивларга кўчиб ўтиши учун шароит яратиш вазифаси қўйилган.

Эндиликда бундай улуғ мақсадлар Сурхондарё вилоятини ҳам улкан бунёдкорлик майдонига айлантириб, уй-жойга муҳтож аҳолининг орзу-умидларини бекаму кўст рўёбга чиқаришга ундади. Шаҳару қишлоқларда янги уйлар қурилишига эътибор янада кучайтирилди. Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, бу йил воҳада 11 минг 46 хонадонли 246 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади. Уларнинг 5 минг 956 хонадонли 101 таси уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда, 5 минг 90 хонадонли 145 таси “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилмоқда.

Хусусан, айни пайтда Ангор туманида 526 хонадонли 23 та, Бойсун туманида 440 хонадонли 22 та, Жарқўрғон туманида 992 хонадонли 47 та кўп қаватли уйларда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Сариосиё туманидаги Лутфкор маҳалласида қад ростлаётган 35 та кўп қаватли замонавий турар жой биносига 1 минг 152 та, Термиз туманидаги Янгиобод маҳалласида бунёд этилаётган 18 та кўп қаватли уй-жойга 1 минг 980 та оила кўчиб ўтади.

– Бу массивлар барча замонавий шароитларга эга тарзда қурилаётгани учун одамларда катта қизиқиш уйғотмоқда, – деди вилоят ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари котибияти бош мутахассиси Нурислом Тўрақулов. – Хонадонлар кенг, ёруғ ва шинам. Ҳудудда яшайдиган аҳоли учун қулай инфратузилма яратиляпти. Масалан, шу йилнинг ўзида иккита массивда 660 ўринли мактаб, биттасида 180 ўринли боғча ва 1 та 50 қатновли оилавий поликлиника барпо этилди. Барча массивлар муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудудлар ободонлаштирилмоқда. Болалар ўйингоҳлари, хизматлар кўрсатиш ва сервис иншоотлари қурилаётир. Бу каби объектларга қуёш панеллари ва энергия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилаётгани ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Вилоятдаги “Янги Ўзбекистон” массивларидаги хонадонларни табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви, иссиқлик тармоғи билан таъминлаш, равон автомобиль йўллари ва пиёдалар йўлакчалари қуриш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Оқова сув қувурлари тортилмоқда. Хусусан, йилнинг ўтган даврида тўртта массивда 7,3 километр электр тармоғи тортилиб, олтита трансформатор пункти ўрнатилди. Табиий газ таъминоти бўйича лойиҳада кўрсатилган барча ишлар бажарилди.

Массивлардаги кўп қаватли уйларнинг ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш учун 68,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бу маблағ эвазига 8 та сув иншооти, 13,5 километр ичимлик, 20,2 километр оқова суви тармоқларини барпо этиш режалаштирилган.

– Ҳозиргача беш километр тоза ичимлик ҳамда ўн километрдан ортиқ оқова суви қувури тортилди, – деди “Сурхондарё сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти раиси Абдумуталиб Арабов. – Бу ишлар, айниқса, Ангор, Бойсун, Жарқўрғон туманларида жадал суръатларда олиб борилиб, муддатидан илгари бажарилди. Сариосиё туманида 7,1 километр ичимлик ҳамда 10,1 километр оқова сув тармоғи тортиш ишларини якунлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Иккита сув иншоотида қурилиш ишлари ниҳоясига етказиляпти. Массивларда белгиланган ишларни муддатида бажаришимиз учун имконият етарли.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллий материаллар асосида бунёд этилиб, воҳа қиёфасини тубдан ўзгартираётган “Янги Ўзбекистон” массивларида иш қизғин. Қурилиш-монтаж ишларини тез, сифатли бажариш ва кўп қаватли уйларда аҳолининг ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш учун 1 минг 200 дан ортиқ қурувчи меҳнат қилаётир. Бунёдкорлар икки юздан зиёд қурилиш техникасидан оқилона фойдаланиб, турар жой бинолари ва бошқа иншоотларни ўз муддатида фойдаланишга топширишга ҳозирлик кўрмоқда. Демак, янги уй тўйлари билан замонавий массивлар янада файзли бўладиган қувончли кунлар яқинлашмоқда.

## “Ёшлар сайилгоҳи” барпо этилмоқда

**Жорий йилнинг 11 апрель куни Президентимиз раислигида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жойларда “Ёшлар сайилгоҳ”лари, Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қўқон каби туристик мажмуаларда, шаҳар ва туманлардаги марказий парк ва хиёбонларда “Очиқ осмон остида кутубхона”лар ташкил этиш юзасидан ҳам тегишли вазифалар белгилаб берилган эди.**

Мазкур топшириқлар ижроси доирасида Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов Термиз шаҳридаги Бобур номли боғда бир гуруҳ фаол ёшлар билан учрашиб, “Ёшлар сайилгоҳи”ни бунёд этишда уларнинг фикрлари билан қизиқиб, таклифларини тинглаган эди. Фаол йигит-қизларнинг таклиф ва тавсиялари асосида



Термиз шаҳридаги Бобур номли боғни обод ва кўркам масканга айлантириб, “Ёшлар сайилгоҳи”ни шу ерда ташкил этишга келишилди. Шунингдек, янги барпо этиладиган сайилгоҳда очиқ осмон остида ёшлар учун кенг, ёруғ ва шинам катта кутубхона қуриладиган бўлди. Янги сайилгоҳ лойиҳаси ҳам мазкур мулоқот чоғида ёшлар илгари сурган таклиф ва ғоялар асосида ишлаб чиқилди. Айни пайтда қаровсиз қолган боғ ободонлаштирилиб, “Ёшлар сайилгоҳи” қурилмоқда.

Улуғбек Қосимов замонавий қиёфада бўй кўрсатаётган сайилгоҳда бўлиб, амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди. Бу ерда бунёд этилаётган “Book” кафе, амфитеатр, кинотеатр, вело йўлаклар, турли ҳажмдаги фавворалар, аттракционлар, ўйин майдонлари, кутубхона ва бошқа объектларда ёшлар учун яратиладиган шароитлар билан қизиқди.

– Бу маскан қурилишини энг фаол ёшлар билан бамаслаҳат амалга ошираётганимиздан мамнунмиз, – деди вилоят раҳбари. – Замонавий ва миллий архитектура ечимлари асосида қад ростлайдиган сайилгоҳ йигит-қизларнинг қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқарадиган обод гўша бўлади. Кечаю кундуз ишлайдиган муҳташам масканда киберспорт, спорт ва интеллектуал ўйингоҳлар, караоке клублари, театр, мода подиумлари, “Book” кафе, коворкинглар ва бошқа кўнгилочар жойлар ташкил этамиз.

Шу ерда янги қуриладиган “Ватанпарварлар” боғи ва музейи лойиҳасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга, маънан етук ва жисмонан соғлом улғайишига кўмаклашадиган боғда турли ҳарбий техникалар кўргазма майдонлари, отиш аттракционлари, пейнтбол майдончаси, буюк саркарда боболаримиз ҳаётига бағишланган бурчаклар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Улуғбек Қосимов тақдимот билан танишиб, унинг лойиҳасини янада такомиллаштириш учун соҳанинг энг малакали мутахассисларини жалб этиш, музей учун етарли экспонатларни жамлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Янги боғ қуриладиган ҳудудни танлаш бўйича таклиф ва тавсияларини билдирди.

## Саноат зоналари табиий газ билан таъминланмоқда

**Мамлакатимиз ҳудудларининг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарнинг алоҳида ўрни бор.**

– Кичик саноат зоналари, йирик инвестиция лойиҳаларига киритилган Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари – бу ажойиб лойиҳа, – деди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали директори ўринбосари Зайниддин Шодиев. – Барча катта-ю ёш тадбиркорларнинг бир жамоа бўлиб, бир ҳудудда, саноат шаҳарчасини ташкил этиб, ягона мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиши нафақат улар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиради, балки инфратузилмани бирлаштиради, қулай бизнес муҳитини яратади. Президентимизнинг 2022 йил 6 июндаги ПҚ-271-сон қарори ҳам айнан ана шу мақсадларни кўзда тутади.

Яқинда Термиз шаҳар ҳамда Бойсун, Ангор, Жарқўрғон, Шўрчи туманларида “Кичик саноат зоналари, Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари” барпо этилиб, табиий газ таъминоти яхшиланишига эришилди. Филиалнинг қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан Шўрчи тумани Оққамар ва Жойилма маҳаллалари ҳудудидаги ЁСТЗга диаметри 76 мм ҳамда узунлиги L 100 п/м газ қувурлари тортилиб, 1 дона газ тақсимлаш пункти ўрнатилди. Шунингдек, тумандаги “Муҳиддинбек 77” ва “Темур Малик” қандолат цехлари ҳам табиий газ таъминоти билан тўлиқ таъминланди.

Фикримизни Бойсун тумани мисолида давом эттирсак. Бойсун ўзига хос табиати ва гўзал манзараларига эга. Тумандаги Газа маҳалласининг асосий қисми тоғ ва адирликдан иборат. Ҳудудда “Ёшлар кичик саноат зонаси” барпо этилиб, тўлиқ газ қувурлари тортиш ишлари амалга оширилди. 655 метрдан иборат газ қувурлари ёш тадбиркорлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Газ қувурларининг уланиш нуқтаси тумандаги Боғиболо ҳудудидан чиқувчи Д-159 мм ли ўрта босимли газ тармоғидан амалга оширилади.

Саноат зоналарни газлаштириш Ангор ва Жарқўрғон туманлари ва Термиз шаҳрининг учта маҳалласида ҳам амалга оширилди. Хусусан, Ангор тумани Шарқ гули маҳалласи ҳудудидаги ЁСТЗда мавжуд Д-76 мм табиий газ тармоғидан “Чарос Ангор” оилавий тикувчилик корхонаси ҳам фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, Жарқўрғон тумани Қўштепа маҳалласидаги кичик саноат зонаси ҳудудига газ қувурларини тортиш ишлари амалга оширилди. Барпо этилаётган ёшлар кичик саноат зонаси ҳудудига 1 км дан ортиқ газ қувури тортилди. Термиз шаҳридаги Каттабоғ, Нурафшон, Тинчлик маҳаллаларида ҳам 3 дона газ тақсимлаш пунктидан келувчи газ қувурларида тўлиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Тадбиркорларнинг табиий газ тармоғига уланишида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

2022-2023 йилларда вилоят бўйича амалга оширилган кичик саноат зонаси ҳудудларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарини табиий газ билан таъминлаш юзасидан 4,1 километр масофада табиий газ тармоғини қуриш ишлари олиб боріляпти. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари Қизириқ ва Қумқўрғон туманларида давом этмоқда. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 113 миллион сўм бўлган ушбу ҳудудда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Муҳандис-техник ходимлар табиий газ қувурларига белгиланган тартибда ишлов беришиб, уч қаватли ҳимоя қопламаси билан қоплашяпти. Монтаж ишлари тўлиқ тугагач, босим остида зичликка синаш тадбирлари ўтказилади.

– Филиалнинг қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари меҳнати эвазига ҳадемай Қўмқўрғон ва Қизириқ кичик саноат зонасида жойлашган 10 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси табиий газ билан таъминланади, – деди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали, қурилиш ва монтаж бошқармаси бошлиғи Карим Мамаюсупов. – Айни кунларда диаметри 102 миллиметр бўлган, ўрта босимли табиий газ қувурини монтаж қилиш ишлари якунига етказиляпти. Қумқўрғон ва Қизириқ туманларидаги газ тақсимлаш қурилмасига табиий газ қувурларини улаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Табиий газ қувури қурилиши ишлари жорий йилнинг октябрь ойи биринчи ўн кунлигига қадар ниҳоясига етказилади.

## “Дуоба” МФЙда сервис маркази очилди

**Ҳозир энг чекка ва олис манзилларда ҳам беқиёс ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда. Мустаҳкам инфратузилма, замонавий қулайликлар, муҳташам иморату иншоотлар. Буларнинг барчаси қишлоқларимизнинг шаҳарлар билан бўйлашиб бораётганидан далолатдир.**




“Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали томонидан туманнинг “Дуоба” МФЙда Дуоба, Хўжойдод, Ўрмончи ва Деҳиболо маҳаллаларида яшовчи 1 218 та хонадонга суюлтирилган газ етказиб беришда қулайлик яратиш мақсадида “Дуоба” маиший газ баллонларни сақлаш ва тарқатиш сервис маркази қуриб, фойдаланишга топширилмоқда.

Вилоятнинг 14 та шаҳар ва тумани ичида Бойсун – ўзига хос табиат манзаралари билан шуҳрат қозонган. Зумрад қиши ҳам, сўлим баҳори, баҳаво ёзию гўзал куз фаслида ҳам турфа рангларда товланиб туради. Тумандаги Дуоба, Деҳиболо, Ўрмончи ва Хўжайдод қишлоқлари Термиз шаҳридан 220-230 чақирим узоқда жойлашган. Одамлари дилкаш, самимий, меҳмондўст. Қачон борсангиз қучоқ очиб кутиб олади. Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар 6 минг 167 нафар аҳоли яшайдиган бу қишлоқларни ҳам суюлтирилган газ билан таъминлаш имкониятини яратди. Осмонўпар тоғлар қўйнидаги бу гўшаларга тепаликка қараб кетган қия, тор, жарликлардан иборат йўллар орқали борилади.

“Boysuntumangaz” газ таъминоти бўлими ходимлари ана шундай мураккаб йўлни босиб, махсус “КамАЗ” ва “MAN” русумли автотранспорт воситалари билан аҳолига ўз вақтида суюлтирилган маиший газ баллонларини етказиб келаётган эди. Қишининг қаҳратон кунларида ерга 70-80 см қор тушганда тоғ йўлларидан юриш анчайин қийинчилик туғдирар эди. Қувонч билан айтамизки, энди бу қийинчиликлар ортда қолди.

– Доим бир ўй бор эди бизда, – деди “Бойсунтумангаз” газ таъминоти бўлими ходими Зокир Хурсандов. – Олис тоғли ҳудудларга режа-график асосида газ баллонлар етказиб беришга ошиқардик. Айниқса, қиш фаслида соҳа вакиллари анча қийналарди. Белгиланган муддатдан сал чўзилиш ҳолатлари ҳам бўлиб турарди. Энди сервис маркази орқали ишимиз анча енгиллашди. Қорми, ёмғирми, захира газ баллонлари шу ҳудуднинг ўзида доимий сақланиб туради. Истеъмолчиларнинг ўзлари бўшаган газ баллонларини сервис марказига олиб келиб, тўлдирилган маиший газ баллонларига алмаштириб кетиш имкониятига эга бўлишди.

Ҳудудга жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида 64,92 тонна суюлтирилган газ режаси ажратилган бўлса, амалда 62,96 тонна етказилди. Шундан, биргина сентябрь ойида 10,64 тоннаси 532 дона газ баллони орқали етказиб берилди. Шунингдек, ҳудудда янгидан ташкил этилган хўжаликларни суюлтирилган газ билан таъминлаш учун 15 дона газ баллони ажратилиши режалаштирилган. Ушбу сервис марказининг ўртача қуввати бир кунда 450 дона маиший газ баллони сақлаш ва тарқатиш имкониятига эга.

# Мавсумга тайёргарлик ишлари якунига етмоқда

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, журналист.

**Мамлакатимизда аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш, ҳар бир хонадонда ичимлик суви, иссиқлик, газ таъминоти ва бошқа қулайликлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда иқтисодиёт тармоқлари ва уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Тошкент вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасига қарашли кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари ҳам кўплаб ишларни амалга оширмоқда.**



Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда 4 минг 945 та кўп квартирали уйлар мавжуд бўлиб, шундан 1008 таси марказлашган, 1199 таси саноат корхоналари орқали, 60 таси локал қозонлар орқали, 928 таси икки контурли қозонлар орқали иситилади. Қолгани алтернатив усулда ёки бошқа турдаги иситиш тизимидан фойдаланиб келмоқда. Уларга 79 та Бошқарув сервис компанияси ҳамда 10 та УЖМШ хизмат кўрсатади.

Марказий иссиқлик таъминоти объектларини мавсумга тайёрлаш мақсадида республика бюджети маблағлари ҳисобидан 1 та қозонхона, 8 та қозон ва 6,8 километр иссиқлик тармоғини мукаммал таъмирлаш режалаштирилган. Ҳозирга қадар, маҳаллий бюджет, ҳомийлик ва корхона маблағлари ҳисобидан 32 та қозон ва 41,6 километр иссиқлик тармоғи жорий таъмирланди.

– Жорий йилда кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида 15 та шаҳар ва туманлардаги 77 та уй-жойларни мукаммал таъмирлаш кўзда тутилган, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бош мутахассиси Дониёр Абдуллаев. – Бугунги кунда барча шаҳар ва туманлардаги кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари томонидан режалаштирилган барча ишлар ўз муддатида ва сифатли тарзда бажарилмоқда.

Яна бир маълумот, кўп хонадонли уйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, бу борада қатор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, режа бўйича, 79 та болалар майдончаси қуриш, 59 минг квадрат метр йўлакларни таъмирлаш, 603 та ташқи ёритиш мосламасини ўрнатиш ҳамда шу сингари бошқа ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Айни пайтда уларнинг 70 фоизи фойдаланишга топширилди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳадемай қишнинг совуқ ва изғирин кунлари бошланади. Бунга албатта, ҳозирданоқ тайёргарликни бошлаш зарур. Буни яхши англаган хоразмликлар барча мактаб ва мактабгача ташкилотлари, идора ва ташкилотлар ҳамда корхоналарни куз-қиш мавсумига тўла шай ҳолатга келтиришга киришганига анча бўлди.**

Энг аввало, ўтган йилги аномал совуқдан хулоса чиқариб, барча иситиш тизимлари бир қатор кўздан кечирилиб, таъмирлашга киришилди. Вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов яқинда мутасадди ташкилот раҳбарлари билан бирга вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарликни кўздан кечирди. Мавсумга тайёргарлик ишларини кўздан кечиришни вилоятнинг энг чекка тумани Тупроққалъадан бошлади. Хусусан, тумандаги 14-сонли мактабгача таълим ташкилоти ва 14-умумтаълим мактабида таълим-тарбия жараёни, оилавий шифокорлик пункти ва тез тиббий ёрдам бўлимида яратилган шароитлар, мазкур объектларда қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг ҳолатини кўздан кечирди.

14-сонли мактабгача таълим ташкилоти 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда маҳалла ҳудудидаги 3-7 ёшли ўғил-қизларнинг 88 нафари тарбияланмоқда. Қамров даражаси 100 фоизни ташкил қилади. 14-умумтаълим мактабида эса 244 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Жорий йилда мактаб битирувчиларининг 67 фоизи олий ўқув юрти талабаси бўлишган. Ҳудуддаги тез ёрдам бўлими ҳам замонавий тез тиббий ёрдам машинаси билан таъминланган ва оилавий шифокорлик пунктини реконструкция қилиш учун 1,8 млрд сўм маблағ ажратилган.

Шунингдек вилоят ҳокими Тупроққалъа ҳудудидаги Ҳазорасп маҳалласида жойлашган 12-умумтаълим мактаби ва 13-сонли мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан ҳам танишди. Жорий йилда мазкур мактабгача таълим ташкилоти биноси 4,3 млрд сўм маблағ сарфланиб, мукаммал таъмирланди. Натижада сиғим 90 ўриндан 120 ўринга етказилди. Иситиш тизими янгиланиб, табиий газ билан бирга кўмирда ҳам ишлайдиган замонавий, тежамкор қозонлар ўрнатилди. Қуёш панеллари ўрнатиш орқали муқобил энергия таъминоти манбалари яратилди.

Вилоят раҳбари таълим-тарбия масканларининг қиш мавсумига тайёргарлиги, санитария ҳолати, ўқувчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечириб, масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2023 йил 18 октябрдаги 02-01/62-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:**

Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 86-уйда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 580 ККА бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "Нексия" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 20 687 166 сўм.

**Аукцион савдо 2023 йил 24 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй манзилида жойлашган "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдо ўтказилишидан бир кун олдин соат 18.00 гача. Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Тел.:** 61-222-84-44.

**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz

**"O‘zbekiston bunydkori" gazetasi**ning 2023-yil 17-oktabrdagi 88-89 (741-742)-sonlarida **"Fargona viloyati qurilish sohasida davlat haridlarini tashkil etish konsalting markazi"** davlat muassasasi tomonidan berilgan e’lonida **29, 32, 37, 39, 41, 42, 43, 44, 45, 48, 49, 50 va 51-lotlar bo‘yicha ishlarni bajarish muddati 90 kun hisoblansin.**

## Правительство Республики Узбекистан

### получило финансирование от Всемирного банка на реализацию Проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (тыс сум, без НДС) | Срок строительства (кален дарных дней) | Залоговое обеспечение (тыс. сум) |
|---|---|---|---|---|
| № MOEI-RIDP-AND-W-37 | Строительство сетей питьевого водоснабжения на территории МСГ "Дустлик" Пахтаабадского района Андижанской области | 375 616,77 | 140 | 7 512 |
| № MOEI-RIDP-AND-W-38 | Строительство сетей питьевого водоснабжения на территории МСГ "Сойбуйи" Пахтаабадского района Андижанской области | 2 319 781,22 | 140 | 46 396 |
| № MOEI-RIDP-AND-W-39 | Асфальтирование внутренних дорог V категории на территории МСГ "Ахиллик" Пахтаабадского района Андижанской области | 2 623 222,96 | 140 | 52 464 |
